

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 66 (1127), 2024 йил 3 апрель, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга миграцияни тартибга солиш ва меҳнат мигрантларини қўлаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимот қилинди.

Бутун дунёда ишчи кучи кўчи юриши табиий жараён. Мамлакатимизда бундай фуқароларни чет элга тартибли ва ҳавфсиз жўнатиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Охириги икки йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 70 минг киши ривожланган давлатларга юборилган.

Лекин айрим фуқаролар малака талаб қилмайдиган фаолият билан шуғулланиш учун чет ўлкаларга ўзлари ҳам муқтадил равишда кетяпти. Уларнинг меҳнат ва яшаш шартлари, касби, даромади турлича.

Давлатимиз раҳбари соҳада фуқароларга қўлайлик яратиш, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларнинг бандлигини таъминлаш вазифаларини қўйган эди. Шу боис, меҳнат миграцияси тизimini такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, Бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги давлат муассасаси шаклида бошқарув органига айланади. Агентлик директори бир вақтинч ўзида Бандлик вазирлиги ўринбосари бўлади. У Меҳнат мигрантларини қўлаб-қувватлаш жамғармасини ҳам бошқаради.

Буюк Британия, Германия, Польша, Венгрия, Япониядаги элчихона ва консулликларда меҳнат миграцияси бўйича атташе, Саудия Арабистонида агентлик вакили лавозини жорий қилинади. Хориждаги фуқароларимиз масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш учун элчихоналар ва тегишли вазирликларда 24 соат ишлайдиган колл-марказлар ташкил этилади.

“Хорижда иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилади. Бунда, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси хорижда ишлаш истагида бўлган фуқарони аниқлаб, “Онлайн маҳалла” платформасига киритади. Номзодлар хориждаги иш берувчилар танловларига жалб қилинади.

Касбий малакаси йўқ ва тилни билмайдиган фуқароларни касбга ўқитиш ва профтаълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунинг учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳузурида фуқароларни хорижий тилларга ўргатиш ва ишлашга мақсадли тайёрлаш маркази очилади.

Хорижда ишлаш истагида бўлганлар муайян харажатларга ҳам дуч келади. Шу боис, энди мигрантларнинг ишчи виза, йўл чиптаси, хорижий тил ва касб бўйича малакани баҳолаштириш харажатлари қисман қопланади. Чет тили бўйича халқаро ёки унга тенглаштирилган сертификат олган фуқарога тил ўрганиш учун сарфлаган харажатининг 50 фоизи қоплаб берилади.

Меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳам муҳим масала. Шу боис, Сайхунбод тажрибаси асосида уларга томорқада маҳсулот етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак берилади ҳамда бошқа турдаги бандлик хизматлари кўрсатилади. “Кичик бизнесни узлуксиз қўлаб-қувватлаш” комплекс дастурига мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Тиббий муассасалар миграциядан қайтган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. “Инсон” марказлари томонидан ота-онаси хорижда меҳнат қилаётган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Меҳнат миграциясидан қайтганларни ишга олган корхонага ҳар бир ходим учун бир йил давомида Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ойига 500 минг сўм субсидия берилади. Ушбу тадбирларга бу йил учун барча манбадан 100 миллиард сўм ажратилади.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни самарали йўлга қўйиб, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш, бандликни ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев автомобиль йўллари қурилишига оид режалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда халқаро ва маҳаллий йўллар тармогини ривожлантириш, транспортлар ҳаракатига қўлайлик яратиш мақсадида кўлаб лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жумладан, Осиё тараққиёт банки иштирокида “Цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш” лойиҳаси кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 86 та туманда, 770 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 272 та маҳалладаги 841 километр йўллар цемент-бетон қоплама билан янгидан қурилади. Бунга Осиё тараққиёт банкининг 240 миллион долларлик қарз маблағи йўналтирилади.

Қурилиш ҳамда техник назорат ишлари тўлиқ маҳаллий пуаратчилар — хусусий тадбиркорлар ва маҳаллий муҳандислар томонидан амалга оширилади. Йўллар фойдаланишига қўлай қилинганидан сўнг, бош пуаратчи томонидан 5 йил давомида кафолатли соз ҳолатда сақланиди ва эксплуатация қилинади.

Яна бир лойиҳа халқаро аҳамиятдаги М39 “Олмаота — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз” магистрал автомобиль йўлининг 1255-1315 километрларни реконструкция қилишга қаратилган. Йўлнинг бу қисми Деҳқонobod тумани маркази Қорашина шаҳарчасидан ўтган бўлиб, ҳозирги кунда тор ва таъмирталаб.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРATДА

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛаниш ТИЗИМИ РИВОЖЛАНЯПТИ

ЛЕКИН ҚОҒОЗ ҲУЖЖАТЛАР ҲАМ ЙЎҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Тартиб ва интизом — муваффақиятга эришишнинг муҳим шarti, гарови, деймиз. Лекин барчамиз ҳам бунинг туб моҳиятини тушунавермаймиз ёки амал қилмаймиз. Айтилайлик, соғлом бўлишимиз учун соғлом турмуш тарзи тартибларига риоя этишимиз шарт. Худди шундай, ишда, хоҳ у давлат ёки хусусий секторда бўлсин, муваффақиятга, белгиланган мақсадларга эришиш учун аниқ тартиб ва интизомга риоя қилиш қатъий талаб этилади.

Бу — масалага бир шахс нуқтан назаридан олиб қаралгандаги ҳолат. Агар тартиб-интизом масаласига бирор вазирлик ёки ташкилот миқёсида қарайдиган бўлсак, унга қатъий риоя этишнинг аҳамияти нақадар юқори эканини кўриш мумкин бўлади.

Ана шу жиҳатдан олиб қаралганда, муассаса, ташкилот, корхона ва фирмаларда ҳужжатларни лозим даражада расмийлаштириш, улар билан ишларни тўғри ташкил этиш, архив ҳужжатлари сақла-нишини таъминлаш — жамиятда қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва барқарорликни, жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини ҳамда давлатнинг нормал фаолиятини таъминловчи муҳим шартлардан бири эканини англаш қийин эмас.

Давлат тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳамда услубий ҳужжатлар (кўрсатмалар, тавсиялар) қабул қилиш йўли билан фаолиятнинг мақсуд тармоғини тартибга солиди. Чунки бошқарув меҳнатининг тезкорлиги, ишончилиги ва тежамлиги, иш маданияти, ҳужжатларда қайд этилган ахборотдан келгусида фойдаланиш имконияти иш юри-тиш қандай ташкил этилгани билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа марказий муассасалар аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини

ташкил этиш бўйича Намунавий йўриқнома тасдиқланган. Йўриқнома ҳужжатлари тайёрлаш қоидалари, усуллари ва жараёнлари, улар билан ишлаш тартиби ва ҳоказоларни белгилайди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан бошқарув органи билан ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича аниқ механизмлар, шакллар ва усуллар қайд этилган.

Кейинги йилларда замонавий бошқарув усуллари амалиётга жорий этиш, ижрону назорат қилиш ва текшириш шакллари такомил-лаштириш, талабчанликни кучай-тириш борасидаги амалий ишлар, шунингдек, раҳбарлар шахсий масъу-лиятини ошириш бўйича қабул қилинган қатъий чора-тадбирлар давлат қурилишининг сержирра вазифалари-ни бажариш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, бу-гунги мураккаб шартларда республи-кани барқарор ва жадал ривож-лантиришнинг кафолати бўлди.

1989-2016 йилларда, яъни 27 йилда 20 та кодекс, 826 та қонун, 6 мингта яқин фармон ва қарорлар қа-бул қилинган бўлса, ундан кейинги 4 йил — 2017-2020 йилларда барча соҳаларда кенг қўламли ўзгариш-ларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингта яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Табиийки, бунча ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш осон эмас ва бу ўз навбатида, ижро назорати тизимини автоматлаштиришни тақозо этди.

▶ Давоми 2-бетда

Она замин билан инсон организмда ўхшаш жиҳатлар кўп. Масалан, инсон туғилган вақтда танасининг 70 фоизи сувдан бўлади. У улгайгач, бу кўрсаткич камайиб, 60 фоизгача тушиши мумкин. Ернинг тахминан 71 фоизи сувдан иборат. Ҳозирги техник тараққиёт даврига келиб сайёрамизда чўлланиш даражаси ошиб бормоқда. Инсон танасидаги сув миқдори камайса, у турли хасталиқларга чалинади. Бу каби фактларни ўрганадиган экансиз, инсон ва ер бир-бирига ҳайратланарли даражада ўхшаш эканини кўрасиз.

ЭКОЛОГИК ГИРДОБ

табиат ва инсон уйғунлиги мувозанати бузилса, жабри барчага бўлади



Инсоннинг биргина кичик аъзосига шикаст етиши бутун танага оғриқ беради. Худди шундай, табиатдаги битта тур-нинг камайиши мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади.

Бундай ўзгариш бевосита инсон ҳаётига дахл қилади. Танамизни қандай асраб-авайласак, ён-атрофимиз-даги митти жонотлардан тортиб, улкан даракларгача

ЯШИЛ МАКОН

эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз шарт. Айниқса, сайёраимиз ўпкаси бўлган дараклар ҳаётимизда биз та-саввур эта олмайдиган даражада муҳим.

Масалан, бир кишининг ксилородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 туп даракт керак бўлади. Нафас олишда қийналмаётган эканмиз, демек, ҳар биримизнинг йигир-мадан зиёд дарактимиз бор. Улар биз учун ҳавони тозалаб берапти. Биз-чи, даракларимизга шунга муносиб жавоб қайтара олаёмизми? Умуман, шунча дарактга эҳтиёмимиз борлигини биламизми?

Мамлакатимизда кейинги йилларда кўкаламзор-лаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Оролнинг қуриган тубига қадалган кўчатлар бугун илдиз отиб, космосдан ҳам кўрина бошлади. Ҳат-то юртимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Туркий давлатлар ташкилоти даражасидаги ташаббусга айланди. Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам экологик муаммоларни бартароф этиш ташаббускори экан, биз бошқаларга ўрнак бўлишимиз шарт. Бунинг учун олдинга қўйилган вазифаларни таҳлил этиш, ютуқларни омдалаштириш орқали йўл қўйилган камчи-ликларни бартароф қилиш зарур.

▶ Давоми 3-бетда

Худудлар қиёфаси

ОБОД МАҲАЛЛАДА ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

Ўзбекистон туманидаги Сулаймон қишлоғи туман марказидан 15 чақирим олисда жойлашган. Маҳаллада бўлди. Қишда лой, ёзда чанг ўнқир-чўнқир кўчали қишлоқда бажарилган ишлар қадим масканга янгилик қўрқ ва файз бағишлабди. Қўли қўлига тегмай меҳнат қилаётган қурувчилар, қўлбола симёғочларни темир бетонли устунларга алмаштираётган электросозлар, сув тармоқларини пайвандлаш билан андармон бўлаётган сувсозлар ўз юмуши билан банд. Маҳаллага меҳмон келганини англаган оқсоқол велосипеддан тушди.

— Келинлар, — дея қўл олиб сўрашди Исломожон ота Муҳитдинов очиқ чехра билан. Мақсадимизни англагач, кўзи қувонча-га, кўнгли фахр-нифтихорга тўлди.

— Етмиш тўрт ёшга кирдим. Эсимни танганимдан буён маҳалламизда бу қадар ободончиликлар бўлмаган. Шарт-шар-тирларимиз ҳаминқадар эди. Сал шамол

келса, чироқ ўчарди. Йўл ва сув масаласи-да амалий ёрдам сўраб борманган жойимиз қолмаган. Аммо ҳеч бир масалага ижобий ечим топилмаган. Уйга меҳмон чақирган-ни хижолат бўлардик. Мана, кўчаларимиз шағаллаштирилиб, асфальтланяпти.

▶ Давоми 2-бетда



Ўзбекистон касабаяушмаларининг 120 йиллигига

МЕХНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

“Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касабаяушмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш давлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касабаяушмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муволаба бўлмайди”, деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон касабаяушмалари ходимлари ва аъзоларига йўлаган табригида.

Ҳа, Ўзбекистон касабаяушмалари шундай узоқ тарихга эга. Ўрганиш ва изланишлар 1905-1907 йил-ларда ҳозирги Ўзбекистон худудиди-да, ҳақиқатан, касабаяушмалари пайдо бўлганидан далолат беради. Дастлаб-килари номида “касба” сўзи мавжуд бўлмасида, табиати ва хусусиятига кўра, ишчи-хизматчилар томонидан ўз иқтисодий ва касбий манфаатлари-ни ҳимоя қилиш мақсадида тузилгани, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш маса-лалари билан шуғуллангани сабабли ҳозирги касабаяушмалари фаолияти-га тўла мос келади.

Умуман, 1905 йилнинг куз фасли-га келиб, Тошкентда ишчиларнинг

15 та тўғараги мавжуд бўлган. Тур-кистон ўлкасида илк касабаяушма-ларининг пайдо бўлиши 1901 йилда ҳар икки томондан ҳам бир вақтин-даги бўлган бўлган ўрта Осиё ва Орен-бург — Тошкент темир йўли қурили-ши билан боғлиқ, десак хато бўлмайди. Тарих фанлари доктори, профессор Л.В.Гентшкеннинг таъкидлашича, 1905 йил кузида Бутунроссия те-мир йўли уюшмасининг Туркистон бўлими ташкил этилган. 1906 йил бошида у Ўрта Осиё ва Оренбург — Тошкент темир йўлининг 8 минг нафар ишчи-ходимини ўзида бирлаштирган.

▶ Давоми 5-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНЯПТИ

Лекин қоғоз ҳужжатлар ҳам йўқолиб кетмайди



Улуғбек ЮСУПОВ,
“Ўзархив” агентлиги директори

Бошланиши 1-бетда

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш унинг натижавий самардорлиги, хусусан, ахборотнинг ўзаро таъсири, қайта ишланиши ва изланишини амалга ошириш учун вақт қисқариши ҳисобига унумдорликни ўртача 20 фоизга кўпайтириш имконини яраттади. Шу боис, мамлакатимизда хўжалик бошқаруви ҳамда ҳокимият органлари фаолиятида ахборот технологияларини фаол ўзлаштириш ва кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга муҳим дастурлар амал бўлди.

Фармон билан “[jgo.gov.uz]” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди. Барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижронин назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат “[jgo.gov.uz]” тизимида амалга оширилиши белгиланди.

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бажарилишининг таъсирчан тизимини яратишда “[jgo.gov.uz]” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ўрнини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида 2021 йил 31 майда давлатимиз раҳбарининг “[jgo.gov.uz]” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилинди ва мазкур ҳужжат билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг янги, электрон тартиблари белгилаб берилди.

2023 йил якунига қўра, вазирилик, идоралар ва уларнинг тизимидagi 27 мингга яқин ташкилотлар “[jgo.gov.uz]” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига уланган. Тизимдан 100 мингдан зиёд фойдаланувчилар фойдаланиб келмоқда. Тизимда 31 миллиондан зиёд ҳужжат имзоланди ва ҳужжатлар салмоғи кундан кунга ошиб бормоқда. Дунёда эса ҳар йили 6 миллиардга яқин янги ҳужжат пайдо бўлмоқда. Шубҳасиз, бундай шартларда электрон ҳужжат айланиши янада тез ривожланади. Бу эса ахборот алмиши тезлигини ошириб, уни сақлаш жойларига бўлган эҳтиёжнинг жиддий кўриб чиқилиши тақозо этади.

Ҳўш, электрон ҳужжат айланишининг ўзи нима, унинг афзалликлари нималардан иборат?

Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат. Электрон ҳужжат

айланиши тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун 2004 йилда қабул қилинди, аммо ўша пайтларда ташкилотларнинг жуда озчилиги қисми электрон ҳужжат айланиши тизимига ўтган эди. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони сезиларли кўпайди.

Бу тизим ўзига электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва олиш жараёнларининг мажмуасини акс эттирди. Электрон ҳужжат айланишидан келишувлар (шу жумладан, шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни амалга ошириш,

ҳам ҳужжатларни узоқ сақлаш учун мос келмайди. Мутахассисларнинг умумий ҳулосасига қўра, уларнинг жисмоний аёқлилиги мuddати 30-50 йилгача, деб белгиланган. Технологик нуқтан назардан улар беш йилдан ўн йилгача эскиради. Шунинг учун фойдаланиш доимий равишда янги сақлов воситаларига кўчириб туриш зарур. Бир вақтнинг ўзига ҳужжатларнинг резерв (қўшимча) нусхаларини яратиш керак.

Бугунги кунда бошқарув жараёни фақатгина қоғоз ҳужжатлари билан чекланнинг имкони йўқ. Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий

муаммоларини таҳлил қилиш эҳтиёжи келиб чиқайди.

Электрон ҳужжат айланиши муаммолари нафақат ахборот технологиялари бўйича мутахассислар ва ахборот тизимлари ишлаб чиқувчи дастурчилар, балки ҳуқуқшунослар, архивчилар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳа вакиллари касбий баҳс-мунозаралари марказида турибди.

Архивчи ва ҳужжатшуносларнинг ҳужжат айланишига аънанавий нуқтаи назари ахборот тизими орқали юритиш жараёнлари, ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш, уларнинг ташкилотда ҳаракатланишига қаратади. Ҳужжатшунослик ва архившунослик позициясидан қараганда, электрон ҳужжат айланишининг мазмуни томони илмий такомиллаштирувга ҳали муҳтож. Эътироф этиш лозимки, бу борада ҳам силжишлар мавжуд, маҳаллий ва хорижий тажрибалар ўрганилмоқда, таҳлил этилмоқда, умумлаштирилмоқда. Натижада меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар киритилмоқда, услубийлар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳуқуқшунослар электрон ҳужжат айланишига электрон ҳужжатларни иш фаолиятида қўллаш тизими сифатида қаради. Бу — ташкилотнинг ўзидагина ҳужжат айланишининг юридик аҳамияти ва электрон ҳужжатларнинг юридик кучи, электрон имзоланишнинг турли шаклларини қўллаш, судлардаги низоalarda далил сифатида электрон ҳужжатлардан фойдаланишга қаратилади. Бунда электрон ҳужжат айланиши чегараларини ҳуқуқшунослар ҳужжатшуносларга нисбатан кенгрок олади. Бу — ташкилотнинг ўзидагина ҳужжат айланиши эмас, балки унинг ташқарисида ҳам, бошқа субъектлар билан алоқадорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ахборот технологиялари бўйича мутахассислар кўп ҳолларда ҳужжат айланишини электрон ҳужжатларни етказиш воситалари ва каналлари, электрон ҳабарлар алмашинуви ва ихтисослаштирилган тизимлар яратиш, шунингдек, уларнинг интеграцияси билан боғлабди.

Келтирилган омиллрар ва ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқиб, кўп учрашув ва дебатларда муҳокама этиладиган “келгувчи даврада қоғоз асосдаги ҳужжатлар муомаладан бутунлай чиқиб кетиши мумкинми”,

Архивчи ва ҳужжатшуносларнинг ҳужжат айланишига аънанавий нуқтаи назари эътиборни иш юритиш жараёнлари, ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш, уларнинг ташкилотда ҳаракатланишига қаратади. Ҳужжатшунослик ва архившунослик позициясидан қараганда, электрон ҳужжат айланишининг мазмуни томони илмий такомиллаштирувга ҳали муҳтож. Эътироф этиш лозимки, бу борада ҳам силжишлар мавжуд, маҳаллий ва хорижий тажрибалар ўрганилмоқда, таҳлил этилмоқда, умумлаштирилмоқда.

расмий ва норасмий ёзишмаларни ва бошқа ахборотларни узатишни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Электрон ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланиши керак. Уларни сақлаш чоғида ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим. Сақлаш мuddати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган мuddатдан кам бўлмашлиги керак.

Бироқ мaльмoтoллaри рақамли асосларда сақлаш воситаларининг бирортаси

даражаси бошқарув ва иш жараёнларида аънанавий қоғоз ҳужжат айланишидан электрон ҳужжат айланишига ўтишда янги имкониятларни яратмоқда.

Айни пайтда қоғоз ҳужжат айланишидан тўлиқ электрон ҳужжат айланишига ўтишининг назарий ва амалий масалалари барча давлатларда кенг муҳокама қилинмоқда ва бу масалалар, кейинчалик ҳуқуқий тартибга келтирилиши ва амалий ижтисолаштириш фаолиятида қўллаш чораларини кўришни талаб этади. Бундан эса амалдаги электрон ҳужжат айланиш даражасининг бугунги ҳолатини баҳолаш, аралаш электрон-қоғоз ҳужжат айланиши

Худудлар қиёфаси

ОБОД МАҲАЛЛАДА ЯНГИЛАНИШ НАФАСИ

Бошланиши 1-бетда

Йўл, сув, электр таъминоти билан боғлиқ кўплаб муаммоларга ечим топилди. Тунги чироқлар кечаларимизни кундуздек чароғон қилди. Кам таъминланган, қийналган, якка-ёлғиз, кўп болали оидаларга уй-жойлар қуриб бериляпти, таъмирланяпти. Бунақасини шу кунга қадар кўрмаганмиз. Қабристонларимиз обод бўлаётгани айни мuddао бўлди-да.

Уч мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган қишлоқ ҳаёт тарзида ўзига хос ўзгаришлар бўй кўрсатаётгани бор гап. Одамлар юзида янгича кайфият ва кўтаринкилик ҳукмрон. Файзиеб кўчалар, аҳоли хонадонларида бошланган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кўҳна қишлоққа янги ҳаёт нафасини олиб кирди.

— Шу кунга қадар 215 та темир-бетон таянч устун олиб келиниб, 3 километрдан ортиқ электр тармоғи тортилди, 2 та қўшимча трансформатор ўрнатилди, мавжудлари таъмирдан чиқарилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзиматжон Ваҳобов. — Худудимиздаги 306 хонадонда таъмирлаш, саранжом-саришталик ишлари якуни бўлиб қолди. 55 хонадон тўлиқ ички ва ташқи таъмирланди, 215 хонадоннинг фасад қисмига замонавий кўриниш берилди. Vook safe, воркаут спорт майдончаси қурилмоқда. Болалар учун ўйин майдончалари барпо этиляпти.

Оғриқли масалалардан бири тоза ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ эди. Энди бу масалага ҳам ижобий ечим топилди. Бу мақсадлар учун битта ичимлик сув қудуғи қазиш, сув минораси ва насоси, трансформатор ҳамда зарарсизлантириш жиҳозлари

ўрнатиш, 2600 метр ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бажарилди.

— Бу ерга келин бўлиб тушганимга 40 йил бўляпти, — дейди Раҳимахон Исмоилова. — Ичимлик сувни бир неча қақиримдан ташиб келганмиз. Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Тоза ичимлик сув ошхонамизга олиб кириб берилади. Буларни қуриб, бугунги ёшларга ҳавасим келади. Бахтли ҳаёт кечириб учун ҳамма шарт-шароитлар мужжасам. Меҳнат қилган, изланган кам бўлаётгани йўқ. Бунга шукрона қилишимиз керак. Ҳар тонг кўчага чиқиб, бир янгилик ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпмиз. Буларнинг бари оддий одамлар учунлигини фахрланамиз.

Қийналганларга суянчиқ бўлиш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш халқимизга хос фазилатлардан. Ўлмас кадрлар доирасидаги ишлар ўқсик қалблар кўнглини кўтармоқда, қувонч-шодлик олиб кирмоқда.

Хусанжон Қобилов якка-ёлғиз яшади. Нафақа пули ўзидан ортмайди. Уй-жойини таъмирлаш, тартибга келтириш имкониятига эга эмас. Оила ҳаёт тарзини ўрганган мутасаддилар ҳамжиҳат бўлиб, 3 хонали шинам уй қуриб беришди.

— Ўзгаришларни қуриб, баҳри дилим очилиб кетди, — дейди уй соҳибни Хусанжон ака. — Уй қуриб берамиз, дейишганида аввалга ишонмадим. Кўнглимни кўтариш учун шунчаки айтиб қўйишди-да, деб ўйлагандим. Адашган эканман. Бир гуруҳ усталар шағал, кум, цемент, гипс, шифер, тахта олиб келиб, ҳаш-паш деғунча, уйини кўтариб қўйишди. Шу кунларда кўчиб кираман. Бундай саховатли ишларнинг бошида туриб, ҳар жиҳатдан қўллаб, кўмак бераётганлардан чексиз миннатдорман. Ҳаммаси учун катта раҳмат.

Дастур доирасида маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 оиланинг уй-жойини таъмирлаш,



керакли шарт-шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Ногиронлар учун арава, озиқ-овқат маҳсулотлари берилаяпти.

Қишлоқда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун шароит ва имкониятлар йўқ эди. Шифокор кўригига бориш учун 4 чақирим наридаги 71-қишлоқ оилавий поликлиникасига муржоат қилишга тўғри келган. Эндиликда бу каби ортқча оврагарчиликлар барҳам топмоқда. Маҳалла худудида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган янги бино қурилиши поёнига етди.

— Қон босимини кўтарилиб тургани учун тез-тез шифокор кўригига бориб тураман, — дейди меҳнат фаҳрийси Раёнон Темирова. — Маҳалламизда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи ишга туририляётганидан хурсанд бўлиб ўтиришимиз. Касалликни даволадиган қўра, унинг олдини олиш муҳим. Қулайликлар

умримизга умр қўшмоқда. Қилса бўларкан-ку.

Малакали шифокорлар маҳаллада бўлиб, фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказди. Хасталиклари аниқланган 137 беморга бепул дори-дармон улашилди ва жарроҳлик амалиёти учун йўлланилар берилди.

Маҳалла ишсизликдан холи худудга айланмоқда. Ишсизлиги бос, “Аёллар дафтари”га киритилган 56 хотин-қиз манзилли дастурлар асосида иш билан таъминланди. 13 нафарига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 80 миллион сўм имтиёзли кредит берилди, 3 нафари ҳақ тўланадиган жамоат, 11 аёл мавсумий ишларга жалб этилди, 11 нафарига бир маргалик моддий ёрдам кўрсатилди, 3 нафари ўзини ўзи банд қилди, касб-хунар ўрганиш истағиди бўлганлари ўқитилмоқда.

Тадбиркор Хуришдод Деҳқонов ташаббуси билан спорт майкаси ва болалар

трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тивув цехи қуриб битказилди. Бир вақтнинг ўзига маҳалладаги 150 нафар ёш меҳнат қилади.

— Бу жуда катта имконият, — дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Дилшоода Азимова. — Маҳалламизда пайпоқ ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш тобора ривожланиб бормоқда. Айни кунда мазкур кўрсаткич эликдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ишлаб турибди. Хали ишга солинмаган имкониятларимиз кўп. Маҳалламиздаги мавжуд инфрамуҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имкониятини бермоқда. Бизда ишсиз ўтирган аёллар ва меҳнат мигрантлари йўқ.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Мухаммадин Солижоновнинг айтишича, биринчи чоракнинг ўзида тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 13 та тадбиркорлик субъектига 160 миллион сўм имтиёзли кредит берилган. Яна кўплаб ташаббуслар, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш устиди иш олиб бориляпти.

Кўлами кенг ободончилик, бунёдкорлик ишлари доирасида ҳар бир соҳа қамраб олинган. 53-умумтаълим мактабини таъмирлаш, спорт майдони, хусусий мактабгача таълим ташкилоти қуриш, пиёдалар учун қўлай йўлақлар ҳозирлаш ишлари сўнгги босқичга кирган. “Маҳалла еттичилиги” учун янги бино, маҳалла гузары, жамоатчилик ва нурунийлар маскани қурилиши кўҳна қишлоқ меъморий қиёфасига ўзига хос уйғунлик бағишлаб турибди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Яшил макон

ЭКОЛОГИК ширдод

табиат ва инсон уйғунлиги мувозанати бузилса, жабри барчага бўлади



Бошланғичи 1-бетда



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Иссиқда барча яшиллик дунёси баргидан сув буғланади. Жараёнда илдири бақувват дараклар бошқа ўсимликлардан кўра, кўпроқ хизмат қилади. Уларнинг баргидан ажралиб чиққан буг эрга қор-ёмғир бўлиб қайтади. Аммо бунинг учун дараклар кўп бўлиши, ердаги ишиш жараёни меъёрида сақланиши керак. Акс ҳолда, буғланиш жараёни тезлашади. Намликнинг катта қисми ҳавода шунчаки йўқолиб кетади. Демак, дарак қанча кўп бўлса, ерда намлик шунча яхши сақланади. Мазкур жараён сабаб об-ҳаво ҳарорати мўътадил бўлади.

Сув тақчиллигининг асосий сабаби ердаги ҳароратнинг ошиши билан боғлиқ. Сайёрамиздаги глобал иситиш буғланишни тезлаштириди. Мангу музликларда эриш жараёни жадал тус олади. Оқибатда ёмғир, қор бўлиб эрга қайтиши керак бўлган бунинг маълум қисми йўқликка юз туتماқда. Бундай вақтда қор ёғиши камайиб, жала куйиши кўпаяди. Жала суви эрга деярли сингмайди. У сел бўлиб тошиб, яна буғланиб кетади. Ер ўзига етарлича суви олмас экан, жараён шу зайилда тезлашиб кетаверади. Уни жиловлаш учун яшиллик дунёсини кўпайтириш керак. Сув ҳаётдир, деймиз. Уни асраш, тежашни тарғиб этамиз. Лекин бу ишлар фақат тиш ювишда суви идишига солиб ишлатиш билан битмайди. Обиҳаётни асраш учун ҳам дарак экиш керак бўлади.

Яъни туманлар ҳудудидан ер ажратилиб, 30 йил муддатта ободонлаштириш бошқармасига берилади. Мазкур ерларда томчилаб сугориш тизими жорий қилинади. Эътиборлиси, бу ишлар маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Ерлар дарак экишга тайёр қилиниб, аҳолига топширилади. Бу жойга экилган кўчатлар унинг эгаси номи билан тамғаланади. Дараклар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан парваришланади.

Энди барча вилоятларда ушбу таъриба омаллаштирилади. Шу орқали фарзандли бўлган кишилар аждодлар меросини давом эттириб, шаҳарда ҳам дарак экиш имкониятига эга бўлади. Юқорида бир киши бемалол нафас олиши

лоийҳаси ватанимиз орқали бутун сайёра ҳимояси йўлидаги улкан қадам бўлади.

Йўл четлари обод бўлади

Йўл маълум ҳудуд аҳолиси, уларга бош бўлган масъулларнинг юзи ҳисобланади. Қадимда бозорларга қараб халқнинг турмуш даражасига баҳо берилган. Йўлга қараб эса уларнинг феъл-атвори ўрганилган. Йўлнинг раволиги, кенглиги, икки чети ободлиги шу ерда яшовчи одамларнинг бағрикенг, меҳнатсевар, элпарварлигини билдиради. Шу орқали фарзандли бўлган кишилар аждодлар меросини давом эттириб, шаҳарда ҳам дарак экиш имкониятига эга бўлади. Юқорида бир киши бемалол нафас олиши

аҳоли кейинчалик кўчат экишга жой ҳам топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар кузатилади ҳам. Айнан жамоатчилик назорати, қонун устуворлиги сабаб кўп қаватли уйлар орасидаги даракларни кесишга чек қўйилди. Энди бошланган ишларни янада ривожлантириш, унинг мунтазамлигини таъминлаш зарур. Шу боис, йилги Қурилиш вазирлигига бу тартибни барча ҳудудларда омаллаштириб, шаҳарсозлик меъёрлари ва лицензия талабларига дарак экиш мажбуриятини киритиш топширилди.

Энди қуйидаги рақамларга эътибор қилинг. Жорий йил 2,5 мингта кўп қаватли уй куриб, фойдаланишга топширилади қутлимоқда. Ушбу курилиш ҳудудларининг 30 фоизидан боғ яратилади. Бундан ташқари, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивининг ҳар бирида камидан 1 гектардан яшил хаббон ташкил қилиниши белгиланган.

Шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат парки ташкил қилиш, “Менинг боғим”



Саратоннинг чилласи. Бошдан куёш, оёқдан асфальтнинг иссини билдириб ўтади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, севимли шoirимиз Эшқобил Шукур билан ҳамроҳларимизни кутиб йўл четидagi дарак тасвирини бўшлатиб қўлдирди. — Шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат парки ташкил қилиш, “Менинг боғим”

лоийҳасини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Айни пайтда ижтимоий муассасаларга кўчатларни бепул етказиш вазифаси таъин қилинган. Ушбу ҳудудларда кўчат экилишига баҳо қўйилган. Ўшундан бери катта шаҳарда, йўл четидa турган даракларни кўрсатиб, уларнинг матонатини, замонимизнинг тилсиз қаҳрамонлари ҳақида ўйлайман. Афсуски, баъзида осонроқ йўлни танлаб, ҳаётимиз учун муҳим бўлган жиҳатлардан воз кетганимизни билмай қоламиз. Тараққий этаётган давлатлар пойтахтида курилиш кўп бўлиши табиий. Шу жараёнда тартибсиз иш олиб бориш оқибатида Тошкент шаҳрида дараклар кесилиши авж ола бошлади. Бунга барҳам бериш учун дараклар кесилишига мораторий эълон қилинди.

Аҳоли сони ошиб, шаҳарда кўп қаватли бинолар билан бирга ишлаб чиқариш қувватлари, автотранспортлар сони ошиб бораётган экан, шунга мутаносиб равишда яшил ҳудудлар майдони ҳам кенгайиши зарур. Шу боис, яшил ҳудудларни кўпайтириш бўйича Тошкент шаҳрида яхши таъриба йўлга қўйилган эди. Унга қўра, шаҳарсозлик кенгаши аниқ курилишлар майдонининг камидан 30 фоизига дарак экиши шарт. Ҳатто ҳудудга экиладиган кўчат нави ҳам белгиланган бўлиши зарур. Ушбу шартлар бажариладиган бўлса, объект фойдаланишга қабул қилинапти.

Назаримизда, бу энг тўғри йўл. Негаки, айрим курувчилар иморатини битириб, топширишига ўйлайди. Лекин унинг атрофдаги яшил ҳудуд, экологик муаммоларга ечим ҳақида ким қайғуради? Лойиҳалаш даврида шу жиҳатлар қатъий назоратга олинмаса,

масала ҳисобланади. Очиги, қундалик чиқиндиларни тўғри ажратиб, белгиланган қутига ташлашни ҳамон ўргана олмадик. Уларни олиб кетиш, йўқотиш билан боғлиқ ишларда ҳам камчиликлар бор.

Энди бу масalani ҳал этиш учун ҳудудларда ободонлаштириш, тозаланишни таъминлаш борасида мутлақо янги тизим бўлади. Янги таърибага қўра, жорий йил 1 майдан бошлаб ҳар бир вилоятда 2 тадан туманда ободонлаштириш бўлими вазифини хусусий шериклик асосида чиқиндини қайта ишлаш корхоналарига ўтказилади. Тадбиркорлар ўзига бириктирилган ҳудудда дарак ва гуллар экади. Уларни парваришлаб, ариқларни тозалайди. Кўчаларни ёритиш билан бирга, чиқиндиларни олиб кетади. Ободонлаштириш бўлимига ҳар йили бюджетдан ажратилган маблағлар ҳам улурга йўналтирилади. Ушбу таъриба ўзини оқласа, 2025 йилдан барча туман ва шаҳарларда йўлга қўйилади.

Фақат Тошкент шаҳри учун алоҳида тизим яратилади. Яъни пойтахтимиздаги кўчаларни тозалаш, кўкalamзорлаштириш, йўлларга хизмат кўрсатиш қабилар 15 апрелдан ақсидан орқали хусусий шерикларга берилади. Бундай тизим замирида тадбиркор манфаати учун яхшироқ ишласин, натижада кўчаларимиз обод, саришта бўлсин, деган эъту ният бор.

Айни сабаб тўғрисида чиқинди полигонларини тартибга келтириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ҳам янги тизим яратиломоқда. Унга қўра, ҳар бир вилоятда жойлашуви қулай бўлган 3-4 тадан полигон махсус экономот зонасига айлантирилиб, қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилади. Колганларида чиқиндини вақтинча тўплаб, қайта юклайдиган станциялар ишга туширилади. Муддатини ўтаб бўлган полигонлар ёпилади. Уларнинг атрофида терак, тут, гужум, заранг экиб, яшил белбоғ барпо қилинади.

Булар кичкина рақамлар эмас. Фақат энди мазкур вазифани бажаришга панжа орасидан қарамаслигимиз шарт. Умуман, юртимизда экологик муаммони ҳал этишнинг энг оқилона ечими — даракларни кўпайтириш борасида самарали ечимлар илгари сурилмоқда.

Масалан, ҳар йил “Энг яшил маҳалла” танлови ўтказилади. Танловда голиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан дарак экиш ва сугориш, яшил жамоат паркинни барпо этишга 500 миллион сўмдан ўтказиб берилади. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органларига хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль топшириш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Шунинг ўзиёқ “Яшил макон” лойиҳасининг амалда самара беришига қатъий қиришилганини кўрсатади. Фақат жойлардаги масъуллар ўз вазифасини вақтида бажарса, бас.

Энди чиқиндини сотиш мумкин

Экологик муаммолар ҳақида гап кетганда, чиқиндилар масаласи кун тартибига чиқиши табиий. Уларни тўғри йўналтириш, вақтида йўқотиш дунё бўйича энг долзарб экологик

Қадриятлар қагди тикланса...

Миллий медна маконимизда дарак кесилгани ҳақида берилган хабарларга жамoатчилик доим кескин эътироз билдиради. Изоҳларни кўздан кечирсангиз, бироки киши муроса йўлини танламайди. Бу — жамиятимизда табиат-севарлик ҳисси қучли эканидан далолат. Она заминга бeҳарк бўлмаган киши унинг учун қилинадиган меҳнатдан ўзини олиб қочмайди. Халқимиз азалдан фарзандли бўлганида дарак эккан. Эҳтимол, шу боис, дарак ҳаёт тим-солига айланган бўлса керак. Одамлар қадим-қадимдан даракларни тирикликнинг белгиси, деб қабул қилган. Ҳақо одамни сўнгги манзилга кузатганда унга соя ташлаб турниши, ўтларлар ҳаққига дуо қилиб туриши учун зиёратгоҳларга дарак экилган. Табиийки, инсонлар ҳаёти давомида яшил дўстларга шунга яраша муносабатда бўлган.

Аммо кейинги вақтларда дарак экиш билан боғлиқ қадриятларимизга бир оз беҳарк бўлиб қолдик назаримизда. Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йилги маълумотларга қараганда, қилдириш бўйича ташаббус ва тарғибот етишмаётгани кайд этилди. Бунинг учун давлат ташкилотлари билан бирга, маҳаллий кенашлар, Экопартия ва бошқа уюшмалар, маҳаллалар бирдек ҳаракат қилиш кераклиги таъкидланди. Агар дарак экиш билан боғлиқ қадим қадриятларимизнинг қагдини рoсласак, халқимиз жуда кўп боғ яратарди. Айниқса, шаҳарда яшаб, табиат билан ҳамнафас булишни доим соғинадиганлар учун имкониятлар эшиги очилиши керак. Қувонарлиси, бу борада хайрли ташаббусга қўл урилди.

Режадаги ишлар муҳокамаси

Дарҳақиқат, кўплаб юртдошларимиз кўп қаватли уйнинг ёнида мўъжизасига боғи бўлишини истайди. Шунинг учун аксарият кишилар уй олишда биринчи қаватдан, олдида ҳовличаси бор жойни ахтарарди. Бу борада Жанубий Корея таърибаси асосида Тошкент вилоятида яхши ташаббус бошланган эди.



Мақсад аниқ, шароит бор, ташаббускорлар-чи?

Президентимиз раислигида жорий йил 29 март кун “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни тақомиллаштириш масалаларни бўйича тахлилий руҳда ўтказилган видеоселектор йиғилишида лойиҳа доирасидаги ишлар тўғри ташкил этилган ҳудудлар эътироф этилди. Жорий йил баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўъжалланган. Жумладан, ҳудудларда боғлар яратиш, йўл бўйларидаги бўш жойларга 10 қатордан дарак экиш ишлари бошланган. Мазкур вазифа Қорақалғонiston Республикаси, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида яхши йўлга қўйилган.

Сайёрамизнинг яшил ўлкаси — дараклар фақат кислород ишлаб чиқаргани учун муҳим эмас. Улар табиатни аслидай асрашда, инсон саломатлиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оддий мисол, катта шаҳарлар аҳолиси доим шовқиндан азият чекади. Дараклар эса машиналардан чиқадиган шовқинни ютиб юбориш хусусиятига эга.

Ҳа, катта йўллар четига ўн қатордан дарак экиш ташаббуси бекорга айтилгани йўқ. Улар шовқинни ютиш баробарида, автотранспортлардан чиқаётган захарли газларни ҳам тoзалоб бeради. Даракнинг шу каби хусусиятлари, унинг табиатдаги ўрни қанчалик муҳим эканини билган киши “Яшил макон” лойиҳасининг аҳамиятини юрак-юракдан ҳис қилади. Бошланган эъту ташаббусга қўл учидa қарамайди.

Бутун мавжуд экологик ҳолатни етарлича аниқлаб етмаётганлар ҳамда Улар сафида ўз ҳудудда анчайин ўзгариш қилишга қодир масъулларнинг борлиги кишини ўйлантиради. Афсуски, айрим вилоят ва туманларда дарак экидиган жойлар ҳалигача белгиланмаган. Ҳатто уни сугориш тизимини ташкил қилиш ва кўчат сотиб олиш учун маблағ ажратилмаган. Биз ҳар кун су, ҳаво, умуман, экология муаммоси ҳақида боғ урамиз. Турли тадбирлар уюштирамиз. У тадбирлар бошида ўша вилоят ва туман масъуллари туради. Аммо амалий ишга келганд... Бу оёғига тош боғлаб, денгиз тубига шўнгишга ўхшайди!

Ҳолат Вазирлар Маҳкамасида танқидий кўриб чиқилди. Тахлил натижасига қўра, 28 нафар масъул шахсга интизомий жазо қўлланилган. Улар сафида вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари бор. Соҳада намуна кўрсаткичлар ҳам йўқ эмас. Дейлик, Мудофаа вазирлиги 100 гектар, Рақамли технологиялар ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги 65 гектардан боғ яратган. Аммо Энергетика ва Транспорт вазирликларида ажратилган ерларда кўчат тўлиқ экилмаган.

“Яшил макон” лойиҳаси мавсумий юмуш. Бир мавсумдаги йўқотиш, хато бир йиллик кечикишга олиб келади. Чунки баҳорда кўкламаган кўчатлар ўрнига кузда яна ниҳол экилади. Натижаси эса келгуси баҳорда аниқ бўлади. Шу тариқа бизнинг кичик хатомиз йилларга таъсир қилади.

Эҳтимол, масъуллар топшириқини вақтида бажариш орқали сув муаммосини ҳал этиш, тўфонларнинг олдини олиш ва 30 турдаги ҳайвонлар турини сақлаб қолишга ҳисса қўшаётганини билганида бунчалик беҳарк бўлмас эди. Ҳа, биз фақат ҳавони тозалайди, деб ўйлайдиган дараклар, ҳатто суви тежайди, тозалайди.

Нега дарак экиш керак?

Илмий изланишларга қўра, дарак илдири атрофдаги ерда намлик сақланади. Унинг сояси буғланишни камайтиради. Бундан ташқари,

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига жойларда 444 та яшил боғ ва 160 та жамоат парки ташкил қилиш, “Менинг боғим” лойиҳасини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Айни пайтда ижтимоий муассасаларга кўчатларни бепул етказиш бeриш амалиёти изчил давом эттирилиб, уларга 4 миллиондан зиёд кўчат тарқатилади.

Рақамлаштириш

ГЛОБАЛ ТАРМОҚДАГИ КАТТА БОЗОР

Жонли стриминг бизнеси нима учун жадал оммалашмоқда?

Абдусаттор АБДУМЎМИНОВ, Мақроўқисодий ва худудий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими

Антон КОСТЮЧЕНКО, Мақроўқисодий ва худудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Бугун бозорлик қилиш учун бозорга, кийим-кечак ёки бирор техника харид қилиш учун савдо марказига боришнинг ҳолати йўқ. Бунинг учун компьютер, планшет ёки телефониғиз тугмасини босиб бюрэтма қилсангиз қийоғ, маҳсулот қиска вақт ичида уйингизга етказиб берилadi. Бу тараққиёт меваси, яъни рақамли олди-сотди жараёнининг бир кўриниши сифатида кундалик ҳаётимизга аллақачон сингил улгурди. Электрон савдо улуши жаҳон бозорига борган сори ортиб бормоқда. Хусусан, рақамли маркетинг майдонида бизнес эгалари учун аудитория жалб қилишнинг самарали жонли стриминг усули бугун жуда оммалашган.

ларга индивидуал ёндашилиди ва улар билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатилди;
— анъанавий савдо усуллари билан тақдослағанда, иқтисодий самардорлиги юқори. Яъни воситачилар билан боғлиқ қўшимча харажатлар ва фойда ставкалари чегралаб ўтилиб, истеъмолчиларга тўғридан тўғри муурожаат қилинади;
— юқори конверсия даражаси (таширф бюрувичларнинг харид қилиш улуши);
— танловлар ўтказиш орқали қизиқарли савдо жараёнини ташкил этиш имконияти ва бошқалар.

Тадбирни жонли стриминг форматида ташкил қилиш учун компаниялар одатда истеъмолчиларни танлаш қарорига сезиларли таъсир кўрсатадиган шахс — жамоатчилик фикри етакчиси (Key Opinion Leader)ни жалб қилади. Муайян соҳада обрўга эга бу киши томошабинларга компания маҳсулотлари ва хизматларини кўлаб-қувватлашни билдириб, харид қилишга ундайди.
Форматдан қатъи назар, жонли муваффақиятли тадбирлар, уйинлар, викториналар ва совринли интерактив уйинлар орқали томошабинларни жалб қилиш савдо ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда жонли стриминг воситасидаги электрон савдолар жуда тез глобаллашмоқда. Фарб давлатлари, жумладан, АҚШ ва Европа жонли стриминг тижоратига эътибор бериш ва имкониятларини ўрганишни бошлади. Amazon ва Alibaba каби электрон тижорат гигантлари ҳам жонли стриминг имкониятларини пайқаб, ўз платформаларига мазкур имкониятни қўшган.

Таҳлилларга кўра, биргина Хитойда 2022 йилда жонли стриминг савдоси ҳажми 514 миллиард АҚШ долларидан зиёти ва барча электрон тижорат сотувларининг 17 фоиздан ортгини ташкил этган. Мамлакатда 2025 йилга бориб, бундай савдо 843,9 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Хитойнинг электрон савдо борасида бошқа давлатлардан фарқли муҳим жиҳати аҳоли ижтимоий тармоқларга тижорат майдони сифатида қарайди. Яъни Фарб давлатлари ёки АҚШда ижтимоий тармоқлардан, биринчи навбатда, мулоқот учун фойдаланилса, хитойликлар унга маҳсулот сотиб олиш мақсадида киришади.

Халқаро тадқиқотларга кўра, Хитой жонли стриминг орқали харидлар оммалашуви бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, Хитойда фойдаланувчилар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари сўнгги 12 ой ичида энг кўп сотиб олинган тоифа бўлса, Европа, АҚШ ва Латин Америкасида энг оммалашув тоифа кийим-кечакдир.

АҚШ ва Европанинг кўлаб брендлари ҳам маҳсулотини Хитойнинг жонли стриминг бозорига тарғиб қилишни бошлаган. Хусусан, Instagram ва Facebook онлайн трансляция орқали савдо қилиш имкониятини очди. TikTok ва YouTube ҳам жорий йилда қўшимча жонли савдо функцияларини киритмоқда.

Электрон савдонинг жонли стриминг шакли ривож меҳнат бозорида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Яъни янги турдаги юқори даромадли мутахассисликлар қозға келяпти. Статистик маълумотларга кўра, Хитойда жонли стриминг бошловчиларининг ойлик даромади 687-1374 АҚШ долларини ташкил этмоқда ва натижада бу касб хитойлик ёшлар орасида тобора оммалашиб бормоқда.

Харид қилиш ва фильмларга бўлган муҳаббати билан машҳур бўлган Хиндистон ҳам аста-секин жонли стриминг тижорат концепциясини қабул қилмоқда. Аҳолиси 1,4 миллиарддан ортқ бу мамлакат даромадлари ўсиб бораётган ўрта синф қатлами ортдан катта салоҳиятга эга бозордир. Смартфонлар ва интернетта улашининг кенг тарқалиши ҳисобга олинса, бу жонли савдо ривож учун идеал шароит. Ҳиндистонда жонли стриминг савдонининг ўсиш прогнозлари 2025 йилга келиб, 5 миллиард долларга етиши мумкин.

АҚШда жонли стриминг воситасидаги электрон тижорат секинроқ ривожланди, ammo ҳозир у тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатда тижоратчилар чакана сотувлар учун фойдаланиладиган энг оммалашган платформа Facebook Live ҳисобланади.

Умуман олганда, чакана савдода электрон олди-сотди улуши тобора ортиб бормоқда. Прогнозларга кўра, глобал чакана электрон тижорат ҳажми 2022 йилдаги 5,71 триллион доллардан 2025 йилга бориб 7,4 триллион долларга етади. Хитой тажрибасидан келиб чиқиб баҳоланса, 2026 йилда 8,15 триллион долларни ташкил қилувчи глобал чакана электрон тижоратнинг 10-20 фоизини жонли стриминг ташкил қилиши мумкин.

Жонли стриминг воситасидаги электрон тижоратнинг жадал ўсишида тақомиллашиб бораётган алоқа қурилмалари муҳим ўрин тутади. Энди смартфон эгаларига инсталланган вақтда жонли харид қилиш ва турли савдо майдончаларига кириш осонлашмоқда.

GSMA Intelligenceнинг сўнгги таҳлилига кўра, ҳозир жаҳонда 5,56 миллиард мобил алоқа абоненти бор ва бу дунё нуфусининг 69,1 фоизини ташкил этади.

Келажакда ушбу усул кенгайиб бориши билан соғлиқни сақлаш, машинасозлик, молия ва вақт ўтшиши билан B2B сектори каби соҳаларни ўз ичига олиши мумкин. Ҳозирда энг етакчи технологик компанияларнинг бир қанчаси соғлиқни сақлаш билан боғлиқ контент ва хизматларни, маслаҳат ва урчувларни ўтказиш учун жонли эфир платформаларини фойдаланишни режалаштирмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишга катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, электрон тижоратни ривожлантириш стратегиясини қабул қилingan. Стратегия электрон тижорат компаниялари учун қўлай муҳит яратишга қаратилган устувор йўналишларни белгилайди, жумладан, муваффақиятли рақамли трансформация учун салоҳият ва кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутади. Бу Ўзбекистон компанияларига молиявий оқибатлари чекланган янги бозорларга кириш имконияти беради ва уларнинг бизнес моделлари, жараёнларини рағбатлантиради.

Юртимизда ахборот иқтисодиёти ва рақамли тижорат секторининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 2017 йилдаги 2,3 фоиздан 2022 йилда 3,4 фоизга ошди. Бунда электрон тижорат улуши 35,1 фоизни ташкил этган (ЯИМдаги улуш 1,2 фоиз).

Ўзбекистон электрон тижорат экзитивини ва, умуман, рақамли иқтисодиёт ривожининг дастлабки қосқичида бўлса-да, ўсишга ҳисса қўшадиган қатор омиллар мавжуд. Рақамлаштириш ташаббусларини кўлаб-қувватлаш учун зарур интернет инфрақурилишини тақомиллаштириш, ахборот технологиялари паркени яратиш, рақамли тўлов хизматлари ва миллий онлайн бозорларни ривожлантиришга қаратилган саяёҳаракатлар шулар сирасига қиради.

Электрон тижоратда жонли стримингни ривожлантиришда рақамли инфрақурилиш

қамрови, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик, электрон маълумотлар хавфсизлиги ва электрон тўлов тизимлари тақомиллашуви катта аҳамият касб этади.

Электрон тижорат қонунчилиги хавфсиз ва адолатли рақамли бозорни яратишнинг муҳим шартдир. У онлайн савдонинг турли жиҳатларини, жумладан, транзакциялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махфийлик ва нисоларни ҳал этишни тартибга солишчи қонунлар ва сисбатни ишлаб қилиш ва қўллашни ўз ичига олади. Электрон тижоратни тартибга солиш учун махсус ишлаб чиқилган комплекс норматив-ҳуқуқий база яратиш лозим. У фақат рақамли савдога хос бўлган онлайн битимлар, электрон шартномалар ва бошқа ҳуқуқий жиҳатларни қамраб олади керак.

Интернетда тузилган шартномаларнинг қонуний кучини таъминлайдиган электрон имзолар ва аутентификация усуллари ҳақиқийлигини тан оладиган қонунларни тақомиллаштириш мақсада мувофиқ. Бунда истеъмолчиларнинг шахсий маълумотлари хавфсизлигини таъминлайдиган ишончли ҳимоя қилиш қонунлари алоҳида эътибор талаб этади. Кибертаҳдидлардан нафақат истеъмолчилар, балки электрон тижорат платформалари ҳам зарар кўриши мумкин. Шу боис, онлайн транзакцияларни ҳимоя қилиш учун киберхавфсизлик чоралари жорий этилиши ва хавфсизлик стандартлари ўрнатилиши лозим.

Рақамли инфратузилмага сармоа киришти электрон тижорат ва унинг тарқибий қисми бўлиши онлайн стриминг савдорини ҳамини ўсиш учун жуда муҳим. Рақамли инфратузилма алоқа, онлайн транзакциялар ва рақамли иқтисодиётни кўлаб-қувватлайдиган комплекс технологик асосларни ўз ичига олади. Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги қорхоналар ва истеъмолчилар учун юқори тезликда интернетга киришни таъминлаш ҳудудларда электрон транзакциялар ошишига туртки беради.

Аҳолининг рақамли савдохонлиги электрон харидларни амалга ошириш қобилиятига чамбарнас боғлиқ. Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишлар анча жадаллашган.

Бугун мамлакатимизда Uzum ва Wildberries каби платформалар ўз тарқатиш пунктлари қамровини кенгайтирмоқда. Мазкур жараёни янада фойдалантириш етказиш вақти ва қўлайлигини ошириш ҳамда аҳоли ўртасида онлайн харидлар маданиятини шакллантиришга кўмак беради.

Иновацион марказлар ташкил этилиши жонли стриминг тижоратини ривожланиши сезиларли даражада рағбатлантириши мумкин. Чунки у технологиялар, бизнес моделларни ривожлантириш ва электрон тижоратга хос тарқибни шакллантириш учун шароит яратadi.

Орамиздаги одамлар

Қамашининг Бердоли қишлоғида дунёга келган Дилфуза ҳали жажжигина қизалоқлиғида эртанги ҳаёти қандай бўлиши ҳаёлига ҳам келмаганди. Ушанда у бир олам орзулар билан мактаб остонасига қадам ташлаш арафасида эди. Дугоналари қатори у ҳам тез кунда билим даргоҳига йўл олади. Бунинг учун астойдил ҳозирлик қўрилган. Отаси олиб берган янги либосларни ҳар куну бир кийиб, ойнага қарашдан чарчамayди. Болалиғига бориб, ҳали мактаб бошланмасданоқ мактабга боришга шошилardi. Шошалоқ қизининг шиддатини кўрган ота-онасининг келгусида аълочи ўқувчилардан бўлишини тахмин қилardi. Ўзгача шижоати, порлаб турган кўзлар унинг илм олишга иштиёқи баландлигидан далолат беради.

“БУГУН ҚАЧОН НАФАҚА БЕРИЛАРҚАН, ДЕЯ ҚАРАБ ЎТИРАДИГАН ВАҚТ ЭМАС”

катталар барибир шифокор маслаҳатини олмаси илож йўқлигини англади. Не умидлар билан шифохонага йўл олишди. Ёш қизчани обдон кўриқдан ўтказган дўхтир даволаниш зарурлигини айтди. Албатта, врачнинг тавсиясига асосан, даволанишга розилик билдиришди. Муолажани бошлаган шифокорнинг биргина эътиборсизлиги сабаб ёш қизалоқнинг оёқлари бутунлай ишламай қолди. Бундан хавотирга тушган ота-она қизини олиб бормаган шифохонаси қолмади. Қаерда яхши табиб ва доктор бўлса, барчасидан маслаҳат олишди. Аммо бирор чора топилмади. Соғлом оёқлар юришдан тўхтади.



анича йиллар ўтиб, Дилфуза вояга етгач, телевизор орқали Тошкент шаҳрида тикувчилик ўқув марказига қизлар тақлиф этилаётганини тўғрисидаги эълондан хабар топади. Имконияти чекланган бўлса-да, пойтахтга бориб, тикувчилик сирларини ўрганиши мақсад қилади. Имкон топиб, Тошкентга боради ва тикувчиликни мукаммал ўрганади. Орадан икки йил ўтгач, қишлоғига моҳир хунар соҳибаси сифатида қайтади. Энди унинг орзулари юксак эди. Келгусида ўзи каби имконияти чекланган қизларга хунарини ўргатишга бел боғлайди.

нмамдир иш қилишга, қайсидир фойдали машғулот билан даромад топишга интилаганман. Кийин бўлса-да, астойдил истаганим боис, бунинг улдасидан чиқа олдим. Шундан сўнг бошқаларнинг ҳам вақти беҳудад сарфланмаслиги учун, биринчи навбатда, ўзим каби имконияти чекланганларни касбга ўргатишни мақсад қилдим. Ногиронлар жамияти Қамашли тумани бўлими раҳбари ёрдами билан кичикроқ жой олиб, шу ерда ишни бошлаб юбордим. Хунар ўрганаган деган имконияти чекланганларни бир жойга йиғиб, уларга тикувчилик сирларидан сабоқ бера бошладим. Натяжа эса ёмон бўлмади.

ёрдами тегадиган қилди, энг асосийси, уларнинг ҳаётга меҳрини оширди. Дилфуза опанинг бу саяёҳаракатлари эътироф этилиб, ҳукуматимиз томонидан “Жасорат” медали билан тақдирланди.
— Хунарли киши хор бўлмамлигини ўзим мисолима кўрдим, — дейди Дилфуза опа. — Шу касбим ортидан оиламиз бут. Бировдан кам жойимиз йўқ. Ҳар йили ўртача юз миллион сўмдан зиёд даромад топяпмиз. Ўтган йили шунинг ҳисобидан турмуш ўртоғимга машина олиб бердим. Бу йил янада янги режалар устида ишлаяпмиз. Жумладан, бир оз шароитимиз бўлмай қолгани боис, фақат ёз фаслида касб-хунарга ўргатиб келаётганим, энди буни доимий қилишга уриняпмиз. Биз учун имкониятлар эшиги кенг очилар экан, бундан фақат унумли фойдаланишимиз лозим. Мен каби ногиронлиги бўлган фуқаролар учун бир қанча илтиёزلар берилди. Буни тўғри йўлда ишлатиш керак. Бу ҳақда олдимга хунар ўрганиш учун келганларга ҳам кўп айтганман. Шунчалик қўлайлик бор экан, бемалол даромад топиш мумкин. Бугун қачон нафақа бериларкан, дея қараб ўтирадиган вақт эмас.
Шижоаткор аёлнинг меҳнатини кўриб, тахсин айтмай илжингиз йўқ. Биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, матонат билан тадбиркорлик қилади, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Келгуси режалари эса янада улкан. Бир сўз билан айтганда, Дилфуза опанинг машаққатли меҳнати ортидан бахт топётганини етти мучаси соғ бўлиб, фақат нолишдан бошқани билмайдиган кишиларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза

Аёл башариат учун ҳаёт зулматини ёритувчи, унга ранг киритиб, маъно улашувчи бебаҳо инъомдир. Шунинг учун инсониятнинг энг машҳур фикр эгалари аёл шаънига тахсин ўқийди. Жумладан, Алишер Навоий бобомиз “жаннат боғидан бахрамандлик истар экансан, аввало, мунис онани рози айлагин”, дея луфғ этган.



Bayram ALI, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси

Шу тўғриси бўлса керак, бизда аёл кишининг дунёқароши кенг бўлишига, ўз даври илмларини чуқур эгаллашига азалдан эътибор қаратилган. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асаридан олинган ушбу парча бунга бир мисол:

“Рано Нигор ойланинг тўнучи, бу йил ўн етти ёшга тулдурди. Саводни отасидан ўқиб, ўн тўрт ёшда ибтидоий мактаб прўрамада бўлган барча дарсларни билирган, масалан: диний қисмдан — “Ҳафтияҳ”, “Қуръон”, “Ҳақор қитоб”, “Сўфи Оллоёв”, “Маслаҳи мултиқан”, адабиётдан — Навоийнинг барча асарлари, девони Фузуний ва Лайли Маънун; Амирий, Фазлий ва шулардек чигатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан — Хоса Хофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, хусни хат, шио ва бошқалар. Бу кунларда бўлса, бир томондан, қизларга сабоқ бериб онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан, отасиға қодий (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг “Ғулистон”идан дARS олади ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг баъзи асарларидан алоҳида бир маъжмуға тўзиб юриди...”

Ахир бу ҳаётини воқелик эмас, адабий асарку, дегувчилар қисман ҳақ. Асар бадиийликка бурканади. Ёзувчи гоёси, айғмоқчи бўлган фикрларини ўз битигига шу бўёқ ёрдамида

Мен гулни ифори билан кўришни истайман. Оловнинг иссиқлигича, музнинг совуқлигича қолишни истайман. Аёлнинг ҳам ўз жинсига хос гўзал туғма хусусиятлардан мосуво бўлмаслиги, ибo деган, ҳаё деган, назокат деган фазилатларга эга бўлиши тарафдориман. Номусни энг сўнгги қурбон деб билган ўхшаши йўқ ўзбекни ҳам ўз ютуқ-камчиликлари билан яхши кўраман. Жуда-жуда яхши кўраман!..

ЭНГ ҚИММАТ БОЙЛИК — МАЪНАВИЙ ҚИЁФА

У йўқолган нуқтадан фожиалар бошланади

сингдиради. Аммо ўша бадиийликнинг қатъий талабларидан бири шуки, у ҳаёт ҳақиқатиға зид келмаслиги лозим. Йўқса, иш бузилади: асар ўқувчилари завқлангирмайди, ўзинга тортолмайди. Бундан чиқди — IX асрда Туркистоннинг 16-17 яшар қизларининг кўпчилиги Қодирий тасвирлаган Раъно каби юксак билимга эга бўлган. Эҳтимол, унинг билимлари ўз даври учун биз мактаётган даражада юксак бўлмаслиги ҳам мумкин.

Агар аянам шубҳа тугилса, мен теурийлар сулоласидан Сароймулкхоним, Шодимулкхотун, Гаваҳаршодбеғим, Ҳадичабеғим, Хонзодабеғим каби тарихда ўчмас из қолдирган маликаларни эслашимизни сўрайман. Булар ҳали бир сулолага мансублари. Қолаверса, дунё адабиётининг жуда катта “портлаш” қилган Шарқ адабиётининг аёл намоёндалари — Увайсий, Нодира, Дилшоди Барно, Аюб Отин сингари шoirларини санасак, саногига етиш мўшкул.

Шунингдек, Имом Бухорий, Форобий, Ибн Сино каби дунё та олган алломалиримизнинг номи эста олинганда, албатта, уларнинг оналари ҳам ёд этилади. Сабаби, бу барча алломалар ўз онасини биринчи устози, деб билган. Ўша давр удуми, такво оналар исмини ҳарфларда битишга йўл кўймай, улар номи бизгача етиб келмаган эса-да, буюк алломалар агар волидасининг теран билими, заҳматлари бўлмаганда ўзининг олим бўлиб етишимаслигига иқрор бўлиб, бот-бот зикр этган.

Бу бизда аёл азалдан ҳам жамиятда, ҳам илмда ўз ўрнига эга бўлган, дейишимизга муайян даражада асосдир. Уларнинг билимини, ижодкорлигини намоён этишга биз тасаввури қилган даражада тўсиқлар бўлмаган. Агар аёлларга нисбатан қайсибир мажбуриятларда қаттиқроқ турилган бўлса, бунга ўша давр нуқтани назари билангина қарамоқ лозим. Ҳолбуки, эски даврлар кўзи билан боққанда галати, мангичис тўйиладиган одатларимиз, тан олайлик, бугунги жамиятда ҳам ош эмас...

Табиат биздан кўра доно. У ҳамма нарса-ни ўзинга ҳосилиги билан тартиблайди. Шунинг учун қаерда табиат қонунига қарши туриши бўлса, ўша ерда фожа бор.

Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романида тап-тақир қўлни ўзлаштириб, экин эмокчи бўлган одамлар тасвирланади.



Айни пайтда эса асар бош қаҳрамони Лолаҳонга нисбатан ҳам шунга ўхшаш муносабатлар кечаётган эди. 41-совхоз аҳли эри оламдан ўтган оддий бир аёлдан “вафо маъбуласи” ясашга ундан маъбуладарга хос хислатларни талаб қилишга киришиб кетганди. Ҳам ерни, ҳам инсонини сунъийлаштиришга, ўз табиатиға қарши боришга ундайдиган ҳаракатларнинг оқибати нима билан тугайди? Ер шўрлаб, тупроги бузилади. Энг ёмони, ўша шўр тупроқда Лолаҳон завол топади...

Бугун ижтимоий тармоқларда шаънимиз, гуруримиз — аёл зотини сунъийлаштиришга уриниш акс этган фикрлар тарқалаяпти. Аёлни ўз жозибаси — ифратидан айирмоқчи бўлаётганлар ҳақлик талабидан тўхтаб, бир лаҳза ўйлаб кўрса, яхши бўларди: улар ўзлари билиб ё билмай эркак ва аёл табиати ўртасидаги деворларни йиқитиш ҳавасидамасми? Бу уларнинг ҳамма бир хил фикрлашиға қарши эканлик даъволарига қанчалар мос?..

Фикрнинг эскилиги унинг ҳақиқатга яқин эканини белгиловчи мезон эмас. Нонинг кесаги бўлгани каби миллатимизнинг ҳам қон-қонига сингиб кетган айрим эски тушуночалар борки, бугун уларни қайтадан кўриб чиқсак, бу



гапириш, номусни оғир юк деб бонг уриш, буюм қамдай, бошқаларни-да бунга қақирши — нојодлик. Айниқса, зиёлилар учун, ўзини зиёлиман, деб билган одамлар учун!

Бултур интернетда хорйлик бир ижодкор билан гаплашиб қолдик. Гап орасида у ўзбек аёллари ҳақида ёмон ҳулосада эканини сездириб қўйди. Ўзбек аёллари номусласиға эа аёлларчилик талабчан эмаслиги тўғрисидаги фикрни бехосдан ёзиб, шоша-пиша ўчирганида, мен уни ўқигаша аллақачон ултурган ва бу янгиликдан даҳшатта тушаётган эдим. Ахир у кўрган иккига аёл шунақароқ бўлса, бундан ҳамма аёллар бир хил, деган ҳулоса ясаш керакми? Бу унинг давлатига ишлаш учун бормаган, ижтимоий тармоқларда ўзини тағнитмаган, қисқаси, парда ортида қолаётган сон-сонқис аёлларимизга — буларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз ҳамда қизларимизга нисбатан жуда катта адолатсизлик эмасми?! Мен оиласининг оғир шайтанга қўниб, ҳалол меҳнати билан ҳам болаларини боқаётган, ҳам бемор эрини даволатаётган аёлларимизни биламан. Эри эрта оламдан ўтса-да, қиз фарзандига бошқа эркак оталик қилишга кўзи етмаганидан янги турмуш қуролмаётган аёлларимизни биламан. Чет элга ишлагани кетган эрини ўн беш йиллаб қутаётган, эрим қайтса болаларимизни уйл�ймиз, элга катта тўй берамиз, деб ўзини овутиб яшаётган аёлларимизни-да биламан. Сизвингча, уларни қабиҳ ишдан, эриға ё фарзандига хиёнатдан нима тўхтатиб турибди? Ана ўша нарсa номусласми? Нимаға ўзимизда йўқ нарсани оламда йўқ, деб ҳукм чиқаришимиз керак? Бунга қай даражада ҳақдоримиз?!

Ҳа! Бир чет эллик, уч-тўрт қиз ва бир олим ифратини ўзбек аёллари учун “юк” деб билаётган бўлса, бу ҳамма аёллар ҳам шунақа фикрда, дегани эмас. Аксинча, уни шараф санайдиган, шу номулга сунъий умр ўтказётган аёлларимиз ҳаддан ташқари мўл. Улар номусликлари вақидан ҳам номусласиға қаттиқроқ турини керак эмасми?

Ғарбни “олабўжи” дейиш фикридан йироқман. Баъзи бировларға ўхшаб “у томонларда чиринган, бахтсиз одамлар яшайди”, дейиш ҳам қулгли бўлар эди. Чунки инсон яратилганда қисматига оқ-қора кунлар битиб қўйилди. Демак, бахтли ва бахтсиз одамлар ҳамма ерда бор. Бироқ уларга ортиқча таассуб қилиш, “шундай қилсам, европаликларға ўхшайман”, дея халқини уят санаган, айтишга номусласи қилган бепарда сўзларни ижтимоий тармоқларда баралла

ҳамма фожиалар ибтидоиси айнан қиёфасизлик бошланган нуқтадир. Қиёфасизлик бошланганда юзакилик, сўзбозлик, манфаатпарастлик, беномуслик авж олади. Демак, маънавий қиёфани сақлаб қолиш эртасидан умиди бор ҳар битта шахсининг ҳам, миллатнинг ҳам боши мақсадиға айланиши зарур.

Бугун давлатлар бир-бириға қарши курашининг интеллектуал йўлини танлаётган, рақибларини вужуддан “мен”ни сугуриб олиш орқали “ўлдираётган” бир даврда ўзликка интилиш нафақат биз, балки бутун дунё мамлакатлари учун бирдай долзарб. Бу курашда фикрловчи жамиятгина ютади. Чунки халқлар учун моддий бойликлар ўз аҳамиятини аллақачон йўқота бошлади. Энг қиммат маънавий бойлик ҳам, моддий бойлик ҳам бугун одамнинг ўзи. Миллат вақили сифатида ўз маънавий қиёфасига — ўзлигига эга бўлган одамнинг ўзи. Шундай экан, Ғарбнинг ташвиқотиға берилиш, бир масалдаги думини йўқотган тулки бошқаларни ҳам ундан кечишға қақиргани сингари ундовларига алданиш оқибати таназзулдор. Бу қадимизини суаб турган устунларни ўз қўлимиз билан бирма-бир қулатишдор.

АҚШдаги “Маккинак” сийёсий тадқиқотлар маркази социолог олими Жозеф Овертон томонидан ишлаб чиқилган “Овертон ойнаси” технолoгисини кўпчилик билса керак. Эшитмаган кам сонли одамлар учун маълумот берай: у аллақандай фантазия эмас, ҳақиқий илмий назария бўлиб, аниқ самара берувчи усул сифатида катта нисбатда қўланилади. Давлатлар, асосан, ўзлари душман мамлакатда бирор иллатни илдиш оттириши учун ушбу технолoгияни қўллайди.

Майли, “Номусласи” дея авж олаётган муҳомадалар билан ҳам бу технолoгия ишға тушиди, деб ваҳима қилишға шояймаймиз. Аюмо мен... Мен гулни ифори билан кўришни истайман. Оловнинг иссиқлигича, музнинг совуқлигича қолишни истайман. Аёлнинг ҳам ўз жинсига хос гўзал туғма хусусиятлардан мосуво бўлмаслиги, ибo деган, ҳаё деган, назокат деган фазилатларга эга бўлиши тарафдориман. Номусни энг сўнгги қурбон деб билган ўхшаши йўқ ўзбекни ҳам ўз ютуқ-камчиликлари билан яхши кўраман. Жуда-жуда яхши кўраман!..

Мактуб

Қишлоқдан жабаpлар

Синфдошим Қурбоналиға

Ассалому алайкум, дўстим. Соғ-саломат-мисан?

Ҳозир ўтириб ҳисобласам, Жанубий Кореяға ўқишга кетганимдан ҳам салкам уч йил бўлибди. Вақтнинг тез оқибатини қара. Кечагина мактабдан қувалишиб, тортишиб қайтардик. Ўша ҳар кун ўтадиганимиз эски кўприқдан кейин шотутлар соясида ўтириб, онамиз сўмакмига солиб берган нонни сувға бўктириб ердик. Уларнинг таъми ёдиндими?

Яқинда қишлоққа йўлим тушиб, ўша томонларға қайта бордим — бутунлай ўзгариб кетибди. Кўприк янгилашибди, шотутлар кесилиб кетган, ўрнида маҳалла гузари қад ростлабди. Ёнида кичкина стадиони ҳам бор. Ҳар кечкурун бизга ўхшаган синфдошлар жамоа бўлиб футбол ўйнар экан.

Эсингда бўлса, ўқувчилик пайтимиз қишлоқда футбол ўйнаш учун текис майдон топиладими. На илож, токи эгаси келиб қувиб солмагунча бировларнинг бедапоясида тўп тепардик. Бора-бора кўпчилик бедапоясини ҳам симиғур билан ўраб қўйди. Балки шу сабабдан, биладим, қишлоғимиздан бирор таниқлироқ футболчи чиқмади.

Илгари қишлоғимизнинг ақсар аҳолиси чорвачилик ва унинг олди-сотдиси билан шуғулланарди. Шунга яраша қишлоқдаги ҳамма бўш ерга чорва учун озуқа экинлар экиларди. Ҳовилларда ҳам асосан, шу — кафтдеккина ер бўлса ҳам маккажўхори,

беда ва тариқ. Полиз маҳсулотларининг камеблтидан ёз бўйи қишлоқдан сотувчи аримас, нима олиб келса ҳам пешингача сотарди-кетарди. Бироқ бугун бошқача. Ўша далаларни айланиб кўрсам, полиз экиннинг нисбати чорва озуқасиникидан анча кўп. Бир қишлоқдошимиз жуда катта майдонга қовун-тарвуз экибди. Аниқки, пишса ўзимизнинг қишлоқдан ортайди. Ҳам арзон бўлади.

Сенга айтмоқчи бўлган асосий янгиликларимдан бири — бугун қишлоғимиз одамлари орасида мақсад йўлида бирикшиш ҳавас қилгулик. Ҳозир эшитган бўлсанг, “Опен бюджет” мавсуми кечаяпти. Қишлоғимиз ҳам ички кўчаларни асфальтлаш лойиҳаси билан қатнашяпти. Ишонсанми, умрида жамоатчиликка қўшилмаган одамлар бугун белни боғлаб, овоз йингиш жараёнида энг фаоллар сафида. Қишлоқда буткул бошқача муҳит. Илгари кечкурун кўчада деярли ҳеч ким бўлмасди. Ҳатто қақирсанг ҳам чиқмас эди. Бугун эса кечкурунлари қишлоғимиз кўчаси шаҳарға ўхшаб кетади. Одамлар ифторлик қилиб бўлгач, кўчаға чиқиб, айнан шу масалада йнгилишлар қилишди. Кечки мажлисларда юзлаб одам тўпланаркан. Илгари бунча одамни ош дамлаб ҳам тўпшлаш мўшкул эди. Демак, одамларда хайрхоҳлик ҳисси ўсяпти, жамиятдаги ҳодисаларда иштирок эттиси келяпти.



Мен “Опен бюджет” жараёнини яхши ёки ёмон, деб баҳолаш фикридан йироқман. Асл баҳони жамиятнинг ўзи бергай. Менга энг ёққани — айнан шу жараён ухлаб ётган томирларимизни баҳоли қудрат уйғотаяпти. Бу яхши-ку.

Ҳозир ҳаммаининг тилида “Овоzларимиз нечта бўлди?” деган савол. Ешлар интернет-ни яхши тушуногани учун катталарға ҳисобот бериб турибди. Нечанчи ўрнида эканимиз, қўшни қишлоқларнинг овоzлар сони нечта бўлгани — кун тартибидаги масала шу.

Раисимиз овоzлар сони сал ортда қолганини эшитса, шу заҳоти телеграмдаги гуруҳлар орқали мурожаат қилади, одамлар ҳам ортда қолишдан безовталаниб, дарров йнгилишни бошлайди. Ягона мақсад — голиб бўлиш.

Айтишлариға, фақатгина шунинг ўзи билан тўхтаб қолиш йўқ. Асфальтлаш хал бўлгандан кейин қишлоққа ичимлик сув келтириш масаласи кўриб чиқиларкан. Билсан, ҳозиргача одамлар ҳовлисида 4-5 тонналик ҳовуз қуриб, сув сотиб олиб, шу ҳовузни тўлдирди ва 2-3 ойлаб ичади. Узоқ вақт туриб қолган сувнинг соғлиққа зарарли эканини ҳамма билади. Қувонарлиси, бу масалаға туман мутасаддилари ҳам ижобий муносабат билдирибди. Умид қиламанки, қайтиб келгунингга қадар бу ташаббус ҳам амалга ошган бўлади.

Тўғриси, фақатгина яхши хабарларни гапириб, дилни хира қиладиганларини унутибман. Қишлоғимизда дархатлар сони йилдан йилга камайиб борапти. Биз меваларини ўғирлаб ейдиганимиз ўша олма боғлари

бугун қуриб тамом бўлибди. Ўрнида кичкина-кичкина қўчатлар экилган, лекин уларнинг ҳам парвароши ҳаминчакадарға ўхшайди. Ачинарлиси, шунча дарахтни кесган қишлоқдошларимиз ўрниға янчисини экишда анча оқсоқлик қилипти. Қишлоқда куннинг иссиғида соялайдиган жой топиш муаммо бўлиб қолган. Яхшиям дарахтлар кесилиш-ига мораторий жорий қилинди. Акс ҳолда, оқибатни кўрардик.

Шу ўринда катта-катта дарахтлар ўрниға фақатгина нина барглилар, жумладан, қарағай экилгани ҳам таъбини хира қилади. Тўғриси, нина баргли дарахтлар бизнинг минтақаға мууман, мос эмас, деб ҳисоблайман. Ундан кўра, кўпроқ мевали дарахтлар экиш яхшимасми — ҳам соядор, ҳам ҳосилдан эл бахраманд бўлади. Фикримға қўшилсанг керак.

Бизда шундай гаплар, дўстим. Сендан умидимиз катта. Яхши ўқиб, етук мутахассисға айланиб, қишлоғимизға, туманимизға, қолаверса, бутун халқимизға фойдаси тегадиган инсон бўлишингға ишонман. Фақатгина мақсадларинг йўлдан оғишмаслигини тилайман. Тўғриси, шундай ривожланиш даврида мамлакатимиз учун сен каби интилувчан, юрағида ўти бор ёшлар янада кўпроқ керак. Сендан ҳам хат кутиб қоламман. Омон бўл!

Салом билан дўстинг. Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

GAZETA DANGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIDA ASOSLANGAN OZBEK ALIFBOSIDA QILISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.